

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида)

2022 йил сентябрь ойининг 21 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, Наманган шаҳар “Оби хаёт” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, шаҳар судининг судьяси Х.Куконбоевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Салиевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Дадабоев, адвокат Р.Каробоев, судланувчи Б.Байханбаев, жабрланувчи М.Исомиддиновнинг қонуний вакили М.Искандаровларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи Байханбаев Бахтиёр Икрамджановичга оид 1-1601-2206/895-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Байханбаев Бахтиёр Икрамджанович, 26.08.1981 йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, давлат мукофатлари билан тақдирланмаган, дупутатликка сайланмаган, Наманган шаҳар, Янги Наманган тумани, “Ахсикент” МФЙ, Хувайдо кўчаси, 17-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 29.08.2022 йил куни олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили кўрсатувларини ҳамда давлат айбловчиси, ҳимоячининг фикрини тинглаб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Б.Байханбаев 2022 йил 23 июль куни, соат 19:00 да ўзининг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли 50P846KA давлат рақамли автомашинани Наманган шаҳар, “Ахсикет” МФЙ, Хувайдо кўчасида бошқариб бораётиб, йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, амалдаги “йўл ҳаракати қоидалари”нинг, 11-г-кичик бандида кўрсатилган «Транспорт воситаси хайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак», шунингдек 77-бандида кўрсатилган «Хайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган, чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланишда хайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт



воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак»-деган, деб кўрсатилган қоидалар талабларини бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан ушбу кўчанинг кесиби ўтаётган пиёда вояга етмаган Исомиддинов Муҳаммадсодиқ Музаффар ўғлини уриб юбориб, уни тан жароҳати олишига сабабчи бўлган йўл-улов ҳодисаси содир қилган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 01.08.2022 йилдаги №4293/3186-сонли хулосасида жабрланувчи вояга етмаган М.Исомиддиновнинг олган тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлари тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи Б.Байханбаев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишини оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи вояга етмаган М.Исомиддиновнинг қонуний вакили М.Искандаровларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи М.Исомиддиновнинг қонуний вакили М.Искандаров билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи вояга етмаган М.Исомиддиновнинг қонуний вакили М.Искандаров суд мажлисида берган ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, ҳозирда фарзандининг соғлиғи яхши эканлигини, судланувчи Б.Байханбаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уни кечирганлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи вояга етмаган М.Исомиддиновнинг қонуний вакили М.Искандаров ва судланувчи Б.Байханбаевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи Б.Байханбаевнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ



ярашувга тушишини инобатга олиб, судланувчи Б.Байханбаевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни ҳамда судланувчини жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи вояга етмаган М.Исомиддиновнинг қонуний вакили М.Искандаровга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582, 583, 585-586-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Байханбаев Бахтиёр Икрамджановичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин ва у жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Судланувчи Б.Байханбаевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Тергов ҳаракатлари акс эттирилган бир дона DVD диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим нусхаси олган кундан бошлаб, йигирма кунлик муддат ичида, шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибда шикоят беришга, ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, шу муддат ичида прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

(имзо)

Х.Куконбоев

Аслига тўғри:

